

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ

ҚАРОРИ

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 9-СИНФ БИТИРУВЧИЛАРИНИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ВА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ЎҚИТИШ БИЛАН ҚАМРАБ ОЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ БАЗАНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 23-сон, 184-модда)

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси **Қонунига** мувофиқ ҳамда умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш, иқтисодиётнинг реал тармоқларида талаб мавжуд бўлган мутахассисликлар бўйича ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли кадрлар тайёрлаш даражаси ва сифатини оширишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қўйидагилар:

Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш кўрсаткичларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги **Низом** 1-иловага мувофиқ;

Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш ва расмийлаштиришни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги **Низом** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манбаатдор вазирликлар ва идоралар тасдиқланган Низомларга қатъий амал қилсинлар ҳамда уларда белгиланган талабларга белгиланган муддатларда сўзсиз риоя қилинишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда умумтаълим мактабларининг 8-9-синф ўқувчиларини касбга йўналтириш ва психолого-педагогик ташхис ишларини аниқ мақсадни кўзлаб, самарали ва мунтазам ташкил этсин;

бир ой муддатда ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психолого-педагогик ташхис тизимини танқидий кўриб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Халқ таълими муассасаларида психолого-педагогик хизмат тўғрисидаги Низом лойиҳасини киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази билан биргалиқда умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш тўғрисидаги маълумотларнинг холислигини мунтазам текшириб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринbosари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 7 июнь,
109-сон

**Умумтаълим мактабларининг 9-синф битиравчиларини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш кўрсаткичларини шакллантириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом умумтаълим мактабларининг 9-синф битиравчиларини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш кўрсаткичларини шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш кўрсаткичларини белгилашда қўйидагилар асосий вазифалар ҳисобланади:

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 9-синф битиравчиларини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишга оид қисмини самарали амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўрта маҳсус, касб-хунар таълими олиш хуқуқини таъминлаш;

иктисодиёт тармоқлари ва соҳалари ҳамда худудларнинг ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича касбий тайёрланган ва талаб этиладиган мутахассисларга бўлган эҳтиёжи мувозанатини таъминлаш;

давлат манфаатларидан келиб чиқиб ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли мутахассисларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги оширилишини таъминлашга йўналтирилган мақсадлар амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли кадрларни тайёрлашга давлат харажатларининг мақбул даражасига эришиш.

II. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилишнинг йиллик кўрсаткичларини шакллантириш тизими

3. Умумтаълим мактабларининг 9-синф битиравчиларини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш бўйича йиллик кўрсаткичларни шакллантириш улар тўлиқ қамраб олиниши ҳисобга олинган ҳолда ва иктисодиёт тармоқларининг йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли мутахассисларга бўлган реал эҳтиёж асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази томонидан (кейинги ўринларда Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази деб юритилади) Иктисодиёт вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг худудий бўлинмалари ҳамда Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларни билан биргаликда амалга оширилади.

4. Умумтаълим мактабларининг 9-синф битиравчиларини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш йиллик кўрсаткичлари қўйидагиларни амалга ошириш орқали босқичма-босқич шакллантирилади:

ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш кўрсаткичларини шакллантириш учун умумтаълим мактабларининг 9-синф битиравчилари сонини аниқлаш;

бўлажак ўқув йилига умумтаълим мактаблари 9-синф битиравчиларининг ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича таълим олишга бўлган талабини таҳлил қилиш;

худудлар ва республика бўйича иктисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли мутахассислар билан таъминланганликни таҳлил қилиш ҳамда уларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш;

умумтаълим мактабларининг 9-синф битиравчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олиш зарурлиги ва иктисодиёт

тармоқлари ва соҳаларининг ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ҳисобга олинган ҳолда бўлажак ўқув йили учун худудлар даражасида йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш;

республика бўйича янги ўқув йилига йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш кўрсаткичларини аниқлаш ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш.

III. Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш кўрсаткичларини шакллантириша вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро хамкорлиги

5. Янги ўқув йилига ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш кўрсаткичларини шакллантирища куйидагилар асосий мезонлар ҳисобланади:

умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари сони;

республика худудлари бўйича иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли мутахассисларга камида келгуси 3 йилга эҳтиёжи;

ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг зарур йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш имкониятлари.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳар йили 1 декабргача бўлган муддатда келгуси календарь йил учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар (шахарлар) бўйича умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари сонини аниқлайди ва Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказига тақдим этади.

7. Ҳар йили 1 январгача бўлган муддатда Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг ҳудудий бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий бошқармаларига ҳудудлар бўйича академик лицейлар ва касб-хунар колледжлари рўйхатини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари ва мутахассисликлари номенклатураси билан бирга тақдим этади. Мазкур рўйхатлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар бир умумтаълим муассасасига етказилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг ҳудудий бошқармалари туман (шахар) ҳокимликлари, ҳудудий банддикка кўмаклашиш марказлари, иш берувчилар, бошқа манфаатдор ташкилотлар кўмагида 9-синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари билан турли мутахассисликларнинг хусусиятларини, минтақада иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши ва битирувчиларни кейинчалик ишга жойлаштириш истиқболларини тушунтиришга, уларни ҳудудларнинг академик лицейлари ва касб-хунар колледжларига жалб этишнинг мувозанатлиги ва тенглилигини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларнинг бундан кейинги таълим йўналишларини онгли танлашини таъминлашга йўналтирилган фаол касбга йўналтириш ишлари олиб борилишини таъминлайдилар.

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта маҳсус касб-хунар таълими марказининг ҳудудий бошқармалари касбга йўналтириш ишларини ташкил этишда умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчиларини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқишни давом эттириш билан боғлиқ хоҳиш-истакларини аниқлаш мақсадида сўровнома ўтказадилар.

10. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг ҳудудий бошқармалари иштирокида ҳар йили ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини сифатли тайёрлаш ва улар меҳнатидан самарали фойдаланиш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқадилар (бундан кейин ҳудудий дастурлар деб юритилади). Ҳудудий дастурлар Қорақалпоғистон Республикаси, республика вилоятлари ва шахарлари (туманлари) бўйича 3 йил муддатга ишлаб чиқилади ва уларда қуйидагилар акс эттирилади:

мехнат бозорида ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли малакали кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги талаб ва таклифлар;

тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таълим муассасалари битирувчиларига бўлган талаб таркиби;

ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари учун янги иш ўринлари яратиш параметрлари;

навбатдаги янги ўқув йили учун қабул кўрсаткичларига тузатиш киритишга оид таклифлар;

ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини (зарур ҳолларда) қайта ихтисослаштиришга оид таклифлар.

Худудий дастурлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва шаҳарлар (туманлар) ҳокимликлари томонидан 1 апрелдан кечикмай тасдиқланади. Худудий дастурларни ишлаб чиқиш ишларини мувофиқлаштириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва шаҳарлар (туманлар) ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг худудий бўлинмалари, Xalq таълими вазирлиги ва йўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг худудий бошқармалари иштирокида ҳар йили ўқув йили бошидан 10 январга қадар ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни (ўқиши муддати 3 йиллигини инобатга олган ҳолда) тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича аниқлайдилар. Истиқболдаги эҳтиёж худудий дастурлар, шунингдек ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш натижалари асосида аниқланади.

12. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг худудий бошқармалари ҳар йили 15 февралгача бўлган муддатда ўзларига қарашли худуддаги касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар билан биргаликда:

умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини тўлиқ қамраб олиш зарурлигини, ўқув-моддий база мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда минтақанинг ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли кадрларга бўлган истиқболдаги потенциал эҳтиёжи тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарининг у ёки бу мутахассисликлар бўйича ўқишига бўлган талабини умумлаштиради, навбатдаги ўқув йилига, зарурият бўлганда, янги талаб қилинган мутахассисликларни жорий этган ҳолда қабулнинг кўрсаткичлари ва мутахассисликлари бўйича таклифларни, шунингдек ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасини белгиланган тартибда қайта ихтисослаштиришга доир асосли таклифларни шакллантиради;

ўрта маҳсус, касб-хунар таълими мутахассисликларини бирлаштириш ва ихчамлаштириш бўйича таклифларни шакллантиради;

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказига шакллантирилган таклифларни киритади.

13. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази ҳар йили 15 мартача бўлган муддатда Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг худудий бошқармалари томонидан киритилган:

иқтисодиёт тармоқларининг йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли мутахассислар билан таъминланганлиги тўғрисидаги таҳлилий материалларни;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари, ишлаб чиқаришлар ва худудлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги маълумотларни;

умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига қабул қилиш кўрсаткичлари, мутахассисликларни бирлаштириш ва ихчамлаштириш, шунингдек айрим ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини қайта ихтисослаштириш тўғрисидаги таклифларни;

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг узоқ муддатли давлат дастурларини ҳамда устувор ва стратегик муҳим тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни, ижтимоий соҳа ва бошқа тармоқларни таркибий қайта ўзгаришишни ҳисобга олган ҳолда умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга қабул қилиш кўрсаткичларига зарур тузатишларни кўриб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишади.

14. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази ҳар йили 10 апрелгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишилган қабул қилиш кўрсаткичларига асосан:

келгуси ўкув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга қабул қилиш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини, зарур таҳлилий ва ҳисоб-китоб материаллари билан бирга;

кадрлар тайёрлаш учун мутахассисликлар рўйхатига киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга қабул қилишнинг прогноз параметрларини;

айрим ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини қайта ихтисослаштириш тўғрисидаги таклифларни (зарур ҳолларда) тайёрлайди ва кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

15. Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини касб-хунар коллежларига ва академик лицейларга қабул қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси ҳар йили 1 июнга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланадиган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини касб-хунар коллежларига ва академик лицейларга қабул қилиш параметрларига асосан ҳар бир академик лицей ва касб-хунар коллежи бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича мутахассисликлар бўйича қабул квоталарини тасдиқлади.

16. Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш кўрсаткичларини шакллантирища вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлиги мазкур Низомга илова қилинган схемага мувофиқ амалга оширилади.

IV. Яқунловчи қоидалар


17. Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига қабул қилиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказининг ҳудудий бўлинмалари ҳудудий дастурлар ўз вақтида ишлаб чиқилиши ва самарали амалга оширилиши, кадрларга бўлган эҳтиёж кўрсаткичларининг ишончлилиги ва қабул квоталарининг, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини қайта ихтисослаштириш зарурлиги асосланганлиги юзасидан шахсан жавоб берадилар.

Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш кўрсаткичларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қўрсаткичларини шакллантириш

СХЕМАСИ



**Умумтаълим мактабларининг 9-синф битиравчиларини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш ва расмийлаштириши ташкил этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом умумтаълим мактабларининг 9-синф битиравчиларини (кейинги ўринларда битиравчилар деб юритилади) ўзлари ва ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан танланган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом идоравий тегишлилигидан қатъи назар, барча ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари татбиқ этилади, агар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса.

II. Битиравчиларнинг хужжатларини академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари топшириш ва қабул қилишни ташкил этиш

3. Умумтаълим мактабларининг директорлари ҳар йили 15 июнгача битирав имтиҳонлари ўтказилишини ва 20 июнгача битиравчиларнинг шаҳодатномалари расмийлаштирилишини таъминлайди.

4. Халқ таълими тизимида ўтказилган психологияк-педагогик ташхис натижаларига мувофиқ, битиравчилар ва уларнинг ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) танлаган таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқиши давом эттириш тўғрисидаги аризалари асосида умумтаълим мактабларида ҳар йили 20 июнгача битиравчиларнинг хужжатлари билан биргаликда шахсий хужжатлар йиғма жилди шакллантирилади.

Битиравчиларнинг шахсий хужжатлар йиғма жилдини шакллантириш учун зарур бўлган хужжатлар рўйхати Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази томонидан биргаликда белгиланади.

5. Ўкувчиларни қабул қилиш даврида ҳар бир академик лицей ва касб-хунар коллежида белгиланган тартибда маслаҳат марказлари ташкил этилади.

6. Умумтаълим мактабларининг директорлари ёки директор ўринbosарлари ҳар йили 30 июнгача битиравчиларнинг хужжатлар йиғма жилдини битиравчилар ва ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) иштироқида тегишли академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг маслаҳат марказлари топширади.

7. Хужжатлар йиғма жилдини битиравчилар ёки уларнинг ота-оналари таълими (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга) бериб юборишга йўл қўйилмайди.

8. Умумтаълим мактаби битиравчисининг хужжатлари қабул қилинганлиги тўғрисида умумтаълим мактаби ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси директорлари томонидан тўрт нусхада топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади.

Далолатноманинг нусхалари Халқ таълими вазирлигининг худудий бўлинмаларида ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармаларида, умумтаълим мактаблари ҳамда академик лицейлар ёки касб-хунар коллежлари директорларида сақланади.

9. Битиравчилар академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари тасдиқланган қабул кўрсаткичлари доирасида тушган аризалар асосида тенг шартларда (енгиллик ва имтиёзларсиз) қабул қилинади.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари директорлари ҳар йили 5 июлга қадар умумтаълим мактаблари директорларидан қабул қилинган битиравчилар хужжатларининг йиғма жилдлари асосида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими

муассасаларининг тасдиқланган қабул кўрсаткичларига мувофиқ битиравчиларни қабул қилиш бўйича буйруқларни расмийлаштиради.

10. Маданият, санъат йўналишлари ва бошқа ижодий йўналишлар ҳамда спорт бўйича академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида кадрлар тайёрлаш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси билан келишган ҳолда қабул жараёнида ижодий имтиҳонлар ўтказилиши мумкин.

11. Ўрта маҳсус, касб-хунар муассасаларига битиравчиларнинг аризалари қабулнинг тасдиқланган кўрсаткичларидан ортиқ тушган тақдирда академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорлари ҳар йили 5 июлгача тааллуқли ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармасига бу ҳақда маълумотлар киритади.

12. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармалари ҳар йили 10 июлгача битиравчилар ҳужжатлари академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларини умумлаштиради.

III. Умумтаълим мактабларининг 9-синф битиравчиларини ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази ҳар йили **15 июлгача** ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармалари тақдим этган маълумотларни таҳлил қиласида ва Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига битиравчиларни қамраб олиш имконияти ва смена коэффициентини ҳисобга олиб қўшимча ўрин ажратиш ёки айrim ҳолларда бундай таълим муассасаларининг ҳар бири бўйича битиравчилар ўртасида **сарапаш тест синовлари ўтказиш бўйича таклифлар киритади.**

14. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази томонидан киритилган таклифни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласида.

15. Давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ, сарапаш тест синовлари муайян ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг қарори билан қўшимча ўқувчи ўринлари ажратилган академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида битиравчиларни қабул қилиш тушган аризалар асосида тенг шартларда амалга оширилади.

16. Сарапаш тест синовлари ўтказиладиган фанлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланади.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида сарапаш тест синовларини ўтказиш бўйича йўриқномани ишлаб чиқади ва тасдиқлади.

18. Тест синовлари ўтказилиши белгиланган ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида сарапаш тест синовларини ўтказиш бўйича 11 ёки 13 нафар аъзодан иборат комиссия тузилади (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади).

Комиссиянинг таркибига ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаси директори, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармаси ва Халқ таълими вазирлиги худудий бўлинмалари, туман (шаҳар) ҳокимликларидан биттадан вакил ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари киритилади.

Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази вакили Комиссия раиси ҳисобланади.

Саралаш тест синовларини ўтказиш жараёнида умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда ота-оналардан 4-5 нафар вакил кузатувчи сифатида иштирок этади.

Комиссия тест синовларини адолат ва ошкоралик тамойиллари асосида, жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш чораларини кўрган ҳолда ўтказади.

19. Умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадаларида 1-5 ўринларни эгаллаган битиравчилар академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида» 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарори асосида қабул қилинади.

20. Имкониятлари чекланган битиравчилар Ўзбекистон Республикасининг ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларида таълим олувчи имкониятлари чекланган шахслар учун мутахассисликлар ва касблар рўйхатига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий маслаҳат комиссиялари хulosалари ва тавсиялари, шунингдек Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг, туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг йўлланмалари асосида қабул қилинади.

21. Ушбу Низомнинг **9, 10, 15** ва **19-бандларида** белгиланган тартиб асосида қамраб олинмаган битиравчиларнинг хужжатлари битиравчилар ва уларнинг ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) розилиги билан қамраб олиш имконияти мавжуд бўлган ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўтказилади.

22. Битиравчиларни қамраб олиш имконияти мавжуд бўлган бошқа ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларига ўтказишида академик лицей ёки касб-хунар коллежи директори томонидан хужжатларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси (4 нусхада) расмийлаштирилади. Далолатноманинг нусхалари Халқ таълими вазирлигининг худудий бўлинмалари ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармаларида, умумтаълим мактаби ҳамда академик лицей ёки касб-хунар коллежи директорларида сақланади.

Мазкур жараён ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармалари ва Халқ таълими вазирлигининг худудий бўлинмалари томонидан мувофиқлаштирилиб борилади.

23. Битиравчиларини қамраб олиш имконияти мавжуд бўлган академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг ўқитиши мутахассисликлари (йўналишлари) тўғрисидаги маълумотлар ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг худудий бўлинмаларига ўз вақтида етказилади.

24. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармалари битиравчиларни академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига қамраб олганлик тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиради ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказига ёзма ахборот беради.

25. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Халқ таълими вазирлиги битиравчиларнинг академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиши билан тўлиқ қамраб олингандиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига хисобот беради.

26. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда халқ таълими ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими худудий бошқармалари, шунингдек таълим муассасалари раҳбарлари хужжатлар ўз вақтида берилиши ва битиравчиларнинг академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ўқитиши билан тўлиқ қамраб олиниши учун шахсан жавоб беради.

27. Битиравчиларни академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига қабул қилиш, қоидага кўра, хар йили 1 августгача якунланади.

Хужжатларни расмийлаштириш, статистик ҳисоботларни тайёрлаш, таҳлил ўтказиш, ташкилий ва низоли масалаларни ҳал этиш, қоидага кўра, ҳар йили 25 августгача якунланади.

28. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг хужжатларини ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш ва уларни ўқитиш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

IV. Якунловчи қоида

29. Мажбурий ўқишини давом эттириш учун битирувчиларга тўсқинлик қилаётган умумтаълим мактаблари раҳбарлари ва ўқитувчилари, академик лицей ва қасб-хунар коллежлари раҳбарлари, шунингдек ўқувчиларнинг ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.